

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

1-2020

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

FarDU. ILMIY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК.ФЕРГУ

Муассис: Фарғона давлат университети.

«FarDU. ILMIY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК. ФерГУ» журналі бир йилда олти марта чоп этилади.

Журнал филология, кимё ҳамда тарих фанлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Журналдан мақола кўчириб босилганда, манба кўрсатилиши шарт.

Журнал Фарғона вилоят матбуот ва ахборот бошқармаси томонидан 2007 йил 12 апрелда 12-075 рақам билан рўйхатга олинган.

Муқова дизайни ва оригинал макет ФарДУ таҳририят-нашриёт бўлимида тайёрланди.

Таҳририят ҳайъати

Бош муҳаррир
Масъул муҳаррир

МАКСУДОВ Р.Х.
ЎРИНОВ А.А.

ФАРМОҢОВ Ш. (Ўзбекистон)

БЕЗГУЛОВА О.С. (Россия)

РАШИДОВА С. (Ўзбекистон)

ВАЛИ САВАШ ЙЕЛЕК. (Туркия)

ЗАЙНОБИДДИНОВ С. (Ўзбекистон)

JEHAN SHANZADAN NAYYAR. (Япония)

LEEDONG WOOK. (ЖанубийКорея)

АЪЗАМОВ А. (Ўзбекистон)

КЛАУС ХАЙНСГЕН.(Германия)

БАХОДИРХОҢОВ К. (Ўзбекистон)

ҒУЛОМОВ С.С. (Ўзбекистон)

БЕРДЫШЕВ А.С. (Қозоғистон)

КАРИМОВ Н.Ф. (Ўзбекистон)

ЧЕСТМИР ШТУКА. (Словакия)

ТОЖИБОЕВ К. (Ўзбекистон)

Таҳририят кенгаши

ҚОРАБОЕВ М. (Ўзбекистон)

СУЛЕЙМАНОВ Р.Н. (Россия)

ЎРИНОВ А.Қ. (Ўзбекистон)

РАСУЛОВ Р. (Ўзбекистон)

ОНАРҚУЛОВ К. (Ўзбекистон)

ЮЛДАШЕВ Г. (Ўзбекистон)

ХОМИДОВ Ф. (Ўзбекистон)

АСҚАРОВ И. (Ўзбекистон)

ИБРАГИМОВ А. (Ўзбекистон)

ЮЛДАШЕВ А. (Ўзбекистон)

АБДУЛЛАЕВ С. (Ўзбекистон)

ҚЎЗИЕВ Р. (Ўзбекистон)

ХИКМАТОВ Ф. (Ўзбекистон)

АХМАДАЛИЕВ Ю. (Ўзбекистон)

ГРЕХЕМ ДЕРРИ. (АҚШ)

СОЛИЖОҢОВ Й. (Ўзбекистон)

МАМАЖОҢОВ А. (Ўзбекистон)

ИСКАНДАРОВА Ш. (Ўзбекистон)

ЖЎРАЕВ М. (Ўзбекистон)

МЎМИНОВ С. (Ўзбекистон)

ЖЎРАЕВ Х. (Ўзбекистон)

КУЗНЕЦОВА Э.Р. (Россия)

ҒОҒУРОВ А. (Ўзбекистон)

АДҲАМОВ М. (Ўзбекистон)

ХОНКЕЛДИЕВ Ш. (Ўзбекистон)

ЭГАМБЕРДИЕВА Т. (Ўзбекистон)

САБИРДИНОВ А. (Ўзбекистон)

ИСОМИДДИНОВ М. (Ўзбекистон)

АШИРОВ А. (Ўзбекистон)

АБДУЛЛАЕВ Т. (Ўзбекистон)

Муҳаррирлар: Сабирдинов А.
Ташматова Т.

Мусаҳҳихлар: Шералиева Ж.
Мамаджонова М.

Таҳририят манзили:

150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй.
Тел.: (0373) 244-44-57. Мобил тел.: (+99891) 670-74-60
Сайт: www.fdu.uz

Босишга рухсат этилди: _____

Қоғоз бичими: 60×84 1/8

Босма табоғи: 18

Офсет босма: Офсет қоғози.

Адади: 100 нусха

Буюртма № _____

ФарДУ нусха кўпайтириш бўлимида чоп этилди.

Манзил: 150100, Фарғона ш., Мураббийлар кўчаси, 19-уй.

Фарғона,
2020.

Ш.Каримов, О.Ахмаджонова

Бессель оператори қатнашган иккинчи тартибли оддий дифференциал тенгламаларнинг фундаментал ечимлари ҳақида 6

Н.Икрамова, Э.Турсунова

Тўртинчи тартибли тўла дифференциалли оддий дифференциал тенгламаларнинг бир синфи ҳақида .I. 12

М.Жалилов, Г.Каюмова

Капута оператори қатнашган тўртинчи тартибли аралаш типдаги тенглама учун бир нолокал масала тўғрисида..... 18

КИМЁ

А.Ибрагимов, В.Хўжаев, У.Умархонова, Д.Тожибоев, М.Исақов

Vigna sinensis, *cicer orientinum*, *phaselousayreus*, *arachhis hypogaea* дуккакли ўсимликларни кимёвий таркибига кўра синфлаш масалалари 24

М.Қодирхонов, Т.Сайпиев, С.Рашидова

NA-карбоксиметилцеллюлоза эритмасининг юқори ҳарорат ва юқори тузли шароитдаги реологияси 30

БИОЛОГИЯ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

П.Турдалиева, О.Ахмедова

Фарғона водийсининг доривор ўсимликлари – макро - ва микроэлементлар манбаи 34

М.Шерматов, С.Умаров

Фарғона водийсида анжир парвонаси (*Lepidoptera choreutidae*) нинг тарқалиши ва ривожланиши..... 38

М.Адхамов

Рақамли иқтисодиёт шароитида таълим: муаммолар ва самарадорлик 43

ФАЛСАФА, СИЁСАТ

Г.Закирова

Ўзбекистон матбуоти ва унинг интернет-сайтларида хотин-қизларга нисбатан зўравонлик мавзусига ёндашув..... 46

А.Қамбаров, О.Маматов

XIX аср охири – XX аср бошларида жадид хурфикрлигида эркинлик ғояси 52

Ш.Аббосова

Глобаллашув жараёнлари ва миссионерлик ҳаракати 57

М.Ғоипов

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг коррупцияга қарши курашиш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш масалалари 62

Ж.Боқиев

Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилигида вояга етмаганларнинг жавобгарлиги..... 69

ТАРИХ

И.Кузикулов

Фарғонада пахта навларини янгилаш билан боғлиқ масалалар ҳақида (XIX аср охири – XX аср бошлари) 73

Д.Абдуллаев

Хайрия ва ҳомийлик фаолияти: Ўзбекистон ва жаҳон мамлакатлари ҳамкорлиги мисолида 77

Қ.Бозоров	
Анджоннинг суғорилиш тарихига доир мулоҳазалар	81
У.Усаров	
XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Самарқанд вилояти қишлоқ хўжалиги ва ер-сув муносабатлари.....	85
Б.Шодмонов	
Ўзбекистон ёшларга оид давлат сиёсати ва унинг ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилишининг тарихий босқичлари.....	90

АДАБИЁТШУНОСЛИК

А.Ақбаров	
“Кечиккан марҳамат” нинг бадиий ифодаси.....	98
Г.Қосимова	
Мемуар асарда муаллиф услуби ва ифода шакли	102
Б.Абдурахмонова	
Огаҳийнинг “Устина” ғазали матни устида ишлаш	105
В.Қаюмов, Б.Деҳқонов	
У.Ҳамдамнинг “Кўнглимдаги дарё” хикоясида дарё образи.....	110
О.Солиева	
Нишотий мухаммасларининг матний-қиёсий таҳлили (II қисм)	114

ТИЛШУНОСЛИК

Р.Сайфуллаева, П.Бобокалонов, Н.Ҳаятова	
Хорижий тилни ўргатишда психонейролингвистик ҳолат ва каноник модели гапларнинг ўрни	119
З.Алимова	
Ўзбек тилига форс-тожик тилидан ўзлашган префикс ва суффикслар хусусида.....	124

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

М.Ахмедова	
Тиббиёт олий ўқув юртлари талабаларида чет тилида касбий-коммуникатив компетенцияни шакллантириш масалалари	128
М.Шокирова, Н.Абдуллаева	
Талабаларнинг чет тилида коммуникатив компетенциясини ривожлантиришнинг фаолиятга асосланган ёндашуви.....	132
У.Хайдарова	
Талабаларнинг ёзма ишларига билдирилган фикр-мулоҳазаларнинг аҳамияти	136

ИЛМИЙ АХБОРОТ

Г.Тиллабаева	
Ўнг томони номаълум бўлган иккинчи тартибли чизикли оддий дифференциал тенгламалар учун чегаравий масала	140
В.Расулов, Р.Расулов, Б.Ахмедов, А.Абдухоликов, У.Раимжонова	
Яримўтказгичларда эффектив гамильтонианнинг нодиагонал матрицавий элементлари ҳақида	143
Х.Муйдинов	
Қорақалпоғистон шароитида қорамол тери ости бўкаларининг турлари ва тарқалиши	147
Б.Усманов, Ш.Умурзакова	
Бугдой навлари сифатининг физик-кимёвий кўрсаткичлари	150
Ф.Юлдашев, Д.Обидова	
Ёшлар камолотида инсонпарварлик ва бағрикенглик тамойилларини юксалтиришнинг муҳим жиҳатлари	153
А.Мамаджанов	
Конституция – давлат ҳуқуқий тизимининг асоси	156
М.Шамсиева	
Ижтимоий ҳимоя инсон тараққиёти индексини белгиловчи асосий мезон сифатида	159

Г.Юсупова	
Ўзбекистон халқ хўжалигида Фарғона иқтисодий районининг ўрни (XX асрнинг 50-70 йиллари мисолида)	162
Д.Юлдашева, Н.Набиева	
Энахон Сиддиқованинг “Ватанга бахшида умр” хужжатли лиро-эпик қиссасида замонамиз қаҳрамони масаласи	165
И.Жўраев	
Бадиий адабиётда ижтимоий-маиший муаммолар ифодаси.....	168
О.Холматов	
Э.М.Ремарк романларида уруш ва инсон талқини.....	171
С.Хақназарова	
Абдулла Шер асарларида миллий менталитет ва маҳаллий колорит ифодаси	175
А.Мамажонов	
Мазмуни умумлашган қўшма гаплар.....	178
Н.Қўлдашев	
Экологик лингвистика фанлараро илм-фан сифатида: манба ва динамика	181
М.Ғофурова	
Нутқнинг лингвомаданий жиҳатдан бўёқланганлиги ва уни белгиловчи омиллар	185
У.Буриева	
Функционал дискурс таҳлили муаммолари	189
Д.Ҳакимова	
Нутқий мулоқотнинг гендерологик фарқланиш масалаларига оид.....	192
Ҳ.Сотволдиева	
Мақол ва маталлар олами идрок этиш миллий хусусиятларининг инъикоси сифатида	195
М.Мамажонов	
Аллюзив антропонимлар ва уларнинг бадиий матнда қўлланилиши.....	198
Ш.Имомназарова	
Ўлан ва лапар жанрларининг ўзаро муштарак ҳамда фарқли хусусиятлари	200
Ф.Анварова	
Синонимларнинг тилда қўлланилиши	204
М.Ҳайитова, М.Мирзаахмедов	
Боғча болалари ўртасида инглиз тилини ўқитишни такомиллаштиришнинг баъзи педагогик асослари	207

УДК: 415.6+(042)

ХОРИЖИЙ ТИЛНИ ЎРГАТИШДА ПСИХОНЕЙРОЛИНГВИСТИК ҲОЛАТ ВА КАНОНИК МОДЕЛЛИ ГАПЛАРНИНГ ЎРНИ

ПСИХОНЕЙРОЛИНГВИСТИЧЕСКАЯ СИТУАЦИЯ И МЕСТО КАНОНИЧЕСКИХ МОДЕЛЕЙ ПРЕДЛОЖЕНИЙ В ОБУЧЕНИИ ИНОСТРАННОМУ ЯЗЫКУ

THE PSCHONEUROLINGUISTIC SITUATION AND THE PLACE OF CANONICAL PROPOSAL MODELS IN TEACHING A FOREIGN LANGUAGE

Р.Сайфуллаева, П.Бобокалонов, Н.Ҳаятова

Аннотация

Мақолада замонавий нейролингвистика муаммолари ва синтактик аспектда француз тилини ўқитиш услубиёти учун муҳим саналадиган масалалардан бири - нутқий ҳосилаларнинг фарқли қурилиши ҳақида мулоҳаза юритилган.

Аннотация

В статье рассматриваются вопросы современной нейролингвистики и методы обучения французскому языку, являющиеся одной из проблем синтаксической речи сравниваемых языков и отличающиеся различными аспектами синтаксических предложений.

Annotation

Present article analyses a role of the modern neurolinguistics and methodics of teaching French language, due to the forming of communicative skills, which plays a huge part at studying process. The main directions of the neurolinguistic researches, their importance in linguistics is shown.

Таянч сўз ва иборалар: инновацион ёндашувлар, психонейролингвистика, психоллингвистика ва нейролингвистика, ностандарт вазият, когнитив психология, неврология, ижтимоий психология, паралингвистика, стандарт ва ностандарт жумлалар.

Ключевые слова и выражения: инновационные подходы, психонейролингвистика, психоллингвистика и нейролингвистика, нестандартная ситуация, когнитивная психология, неврология, социальная психология, паралингвистика, стандартные и нестандартные фразы.

Keywords and expressions: innovational approach, psychoneurolinguistics, psycholinguistics and neurolinguistics, nonstandard condition, cognitiv psychology, neurology, social psychology, paralingvistics, standard and nonstandard expressions.

Француз тилини ўргатиш ва ўқитиш жараёнлари янги инновацион илмий ёндашишларни талаб этади. Тил ўқитиш мураккаб тузилмавий жараён бўлиб, чет тилини ўрганаётганда машғулот жараёнини психологик жиҳатдан тўғри ташкил этиш лозим. Бу эса тизимли ёндашув, креативлик ва алоҳида интерактив ҳаракатни талаб қилади. Ўқувчи нутқининг талаб даражасида бўлмаганлиги, унинг нуқсонли ёки бузилганлиги чет тилини ўрганишда муаммо туғдирмаслиги керак. Бунинг учун ўқитувчи тил ўргатаётганда, энг аввало, психоллингвистик ва нейролингвистик ҳолатни анализ ва синтез қилиб олиши зарур. Мазкур ишда қуйидаги муаммоларга эътибор берилди:

– чет тилида оғзаки нутқни ўстиришда

нутқнинг лисоний бирликларига психологик жиҳатдан ёндашиш;

– марказий нерв – “мия-мушак-скелет” тизимининг бузилиши оқибатида нейро-авталом ташхиси билан оғриган болаларнинг тил ўрганишларига ёрдам кўрсатиш;

– лингвистик аспектда инсоннинг ички лексикон муаммоларини ҳал этиш.

Бизнинг олдимизда, даставвал, икки ҳолатни аниқлаштириб олиш вазифаси туради :

1. Психологик ҳолат: психологик ёндашув, руҳий жараён ва тилнинг рентабеллигини ўрганиш учун зарур. Бунда тилни ўргатиш ва ўрганиш динамикаси руҳий фаолият билан боғлиқ ҳодиса сифатида баҳоланади ва бу тизим сўнгги пайтда алоҳида таъкидланмоқда. Бутун эътибор тил бирликларига эмас, балки психологик фаолликнинг тил ўрганиш сифатининг оширилишига

Р.Сайфуллаева – ЎзМУ, филология фанлари доктори, профессор.

П.Бобокалонов, Н.Ҳаятова – БухДУ, немис ва француз тиллари кафедраси тадқиқотчи-ўқитувчилари.

ахамият қаратади, инсон фаолияти, шахснинг психологик ва физиологик ҳолатини инobatга олиб, машғулоти ташкил этиш моделларини ишлаб чиқади ҳамда уларни экспериментал тарзда текширишни амалга оширади. Шунинг учун унутмаслик керакки, психоллингвистика ва нейролингвистика тилшунослик усуллари муваффақиятсиз бўлган шароитда ёрдамга келади.

2. Нейролингвистик ҳолат: нейролингвистик йўналиш нейролингвистика, когнитив психология, когнитология, информатика, психология, социоллингвистика, прагмаллингвистика, дискурс анализ билан алоқадор.

Психологик муаммоларнинг сўнгги натижалари шундан далолат берадики (В.фон Гумболдт, А.Шлейхер, Х. Штайтел, А.А.Потебний, В.Бундт, А.Марти, К.Бюлер, Г.Гийом, И.П.Павлов, Л.С.Биятотский, П.О.Якобсон, А.Г.Гвоздов ва б.), асосан XX асрнинг 50-йилларида АҚШда психология, тилшунослик ва ахборот технологиялари соҳаси такомиллашди ва шу йилларда бир гуруҳ мутахассисларнинг қўшма семинари бўлиб ўтди. Унда психологик тилшуносликнинг пайдо бўлиши ҳақида расмий равишда эълон берилди. Бу методиканинг пайдо бўлишида Чарлз Осгуднинг “семантик дифференциация” назарияси катта роль ўйнади [8]. Ушандан буён психоллингвистикада табиий ва ижтимоий ёндашув юзага чиқди.

Нейролингвистика ҳақида Санкт-Петербург давлат университети профессори, филология ва биология фанлари доктори, Татьяна Черниговская: “Бу тилшунослик ва неврологиянинг бирлашиши ҳисобланади. Соф илмдан ташқари, бу фан одамларни даволаш учун ҳам зарурдир. Биз гаплашганда ва тинглаганда мияда нима содир бўлишини ўрганамиз. Инсоннинг нутқи билан нима боғлиқлигини тушуниш учун, энг аввало, тил ва тилшунослик фани ҳақида тасаввурга эга бўлишимиз керак. Бизнинг билимларимиз диагностика, реабилитация, нутқнинг турли функцияларини тиклаш учун зарурдир. Баъзан одамлар ўз она тилларини қайта ўрганишга мажбур бўладилар. Дунёда дисграфия ва дислексия билан оғриган инсонлар сони ортиб бормоқда. ... Нейролингвистик тадқиқотлар тилшунослар

ва психоллингвистлар томонидан илгари сурилган назариялар ёрдамида олиб борилади. Нейротилшунослар мия физиологияси тўғрисидаги маълумотларга асосланиб, тилнинг тузилиши ва унинг имкониятлари ҳақида умумий хулосалар чиқаришлари мумкин” [7].

Бироқ, афсуски, айрим ўқитувчилар ўзларини ҳам, ўқувчиларини ҳам коммуникатив жараёнга тайёрлаб боришмайди ва дарс жараёнида буларга эътибор қаратишмайди. Шулардан келиб чиқиб, ўқитувчилар, биринчи навбатда, қуйидаги француз тили коммуникатив бирликлари ва каноник модели сўзгапларни А1 ва А2 даражасида тематик равишда ўргатсалар, оғзаки ва ёзма нутқнинг яхшиланишига эришадилар:

Салом / Танишув / Хайр – Bonjour m / Connaissance f / Au revoir : Кечкурунги салом – Bonsoir ! Тонги салом – bon matin ! Хайрли кун – bonne journée ! Хайрли тун – Bonne nuit. Салом – salut : Мендан ота-онангизга салом. – Mes salut à vos parents. Менинг қайноқ саломларим! – Mes salutations chaleureuses! Яхши қолинг ! – Bien à vous ! Омон бўлинг. – A nientôt ! / Исмингиз ? – Quel est votre nom de famille ? Исмнингиз ? - Votre prénom ? Сизнинг исмингиз нима ? – Comment vous appelez-vous ? Сенинг отинг нима ? - Comment appelles-tu ? Менинг исмим Рашид – Je m'appelle Rachid. Менинг фамилиям Акрамов. – Mon nom de famille est Akramov. / Омон бўлинг, кўришгунча – A bientôt ! Ҳали замон кўришамиз – A tout à l'heure! Эртагача – A demain! Эртадан кейингача – A l'endemain! Кўришамиз. – On verra!

Ёш – âge m : Quel âge a-t-il (elle)? – Унинг ёши нечада ? Il (elle) a 18 ans – U 18 da ! Ёшингиз нечада ? - Quel âge avez-vous ? Ёшинг нечада ? - Quel âge as-tu ? Мен 20 ёшдаман – J'ai 20 ans. Менинг ёшим катта. – Je suis âgé(e). Мен жуда ёшман. - Je suis très jeune. Мен қариман. – Je suis vieillard (e) - (vieil - vieille). Сиз ҳали жуда ёшсиз. – Vous êtes encore très jeune.

Ҳа / Йўқ — Oui / Non. Bien sur. – Албатта. Аниқ шундай – Exactement.. Ҳа, раҳмат ! – Oui, merci.. Ҳа, шундай. – Oui, c'est ça ! Раҳмат, ... шундай-шундай. – Merci, ...oui-oui ! Ҳа, биламан. – Oui, je sais Шундайми ? – C'est vrai ? / Умуман йўқ. – Non plus. Ҳеч нарса – Ne rien. Ҳеч нарса қилолмайсан.- Tu

ТИЛШУНОСЛИК

ne fais rien. Етарли – c'est assez. Шакар етарли. – C'est assez du sucre.

Хуш келибсиз / Келинг, марҳамат ! - Soyez bienvenue / Venez, s.v.p ! - Мактабга хуш келибсиз ! – Soyez bienvenue à l'école ! – Келинг бу ерга ! – Venez ici ! Мен бораяпман. – Je vais. Кириг, марҳамат ! - Entrez, s'il vous plaît !

Раҳмат – merci. Катта раҳмат. – Grand merci. Ёрдамингиз учун раҳмат. – Merci pour votre aide. Сизга ҳам раҳмат. – Merci à vous aussi. Ҳа, раҳмат. – Oui, merci. Йўқ, раҳмат. – Non, merci.

Арзимайди – Pas de quoi. De rien. Сиз менга ажойиб тухфа қилдингиз. – Vous m'avez fait une bonne surprise. Мен бундан хурсандман. – J'en suis content (e).

Яхши / Хўп – Bon / d'accord : Ҳаммаси яхши. – Tout est bon. Бу – яхши-ку. – C'est bon ça. / Бўлди, тамом. – Bon, d'accord. Мен розиман. – Je suis d'accord. Сиз розимисиз ? – Etes-vous d'accord ? Сен розимисан ? – Tu es d'accord ? Розимасман. – Non. Je ne suis pas d'accord. Рози бўлинг ! – Soyez d'accord ! Нера сен норози ? – Pourquoi tu n'es pas d'accord ? Хўп дегин ! – Dis, oui ! Мен хўп дейман. – Je dis oui.

Савол – question f : J'ai une question – Менда савол бор. Сўрасам майлими ? – Puis-je demander ? Савол беринг ! – Posez la question ? Savol - yo'q. – Pas de question.

Аттанг/Афсус/Аянчли/Ачинарли – C'est dommage ! - C'est affreux! C'est blessure ! Мен бундан афсусланаман – Je suis blessé de cela.. Сиздан кечирим сўрайман - Je vous dis pardon ! Афсус, келолмайман, мени кечиринг – Dommage, je ne peux pas venir, pardonnez-moi (excusez-moi)!

Вақт/соат – temps m, heure f : Quelle heure est-il ? – Соат неча ? - il est 7 heure. – Соат 7. Je n'ai pas de temps – Менинг вақтим йўқ. Je me suis occupé (e) – Мен бандман

Узр сўраш – pardon m : Узр – Pardon. Кечирасиз, кетишим керак. – Pardon, je dois partir. Минг узр – Mille excuses ! Минг марта узр. – Mille fois pardon !

Гапирмоқ – parler: Французча гапирасизми ? – Parlez-vous français ? Ҳа, бир оз. – Oui, un peu. Афсуски, йўқ – Non, je ne peux pas parler. Сал секинроқ гапирсангиз, илтимос.– Parlez un peu lentement, s'il vous plaît.

Об-ҳаво – temps/climat m : Об-ҳаво қандай ? - Quel temps fait-il ? Ҳаво яхши. – Il

fait beau (temps). Ҳаво жуда ёмон. – Il fait très mauvais. Осмон кўм-кўк. – Le ciel est bleu. Кўёш чарақлаб турибди. – Le soleil brille. Ёмғир ёғмоқда. – Il pleut. Қор ёғаяпти. – Il neige. Осмонда булут. – Le ciel a des nuages. Жала ёғаяпти. – Il gèle. Ҳаво совуқ.– Il fait froid. Ҳаво иссиқ. – Il fait chaud. Шамол – il fait du vent. Шамол қаттиқ эсаяпти. Shamol – Le vent souffle très fort. Ҳаво тоза. – Il est frais. Ҳаво муздек. – Il est glacé.

Марҳамат – s'il vous (te) plaît. Марҳамат, жойингизга ўтиринг. Prenez votre place, s'il vous plaît. Марҳамат, ўтиринг ! – Assiez-vous, s.v.p ! Ўқинг, марҳамат. – Lisez, s.v.p.

Сюрприз / Табрик — surprise f / félicitation f : Quelle surprise ? Сизга сурприз қилмоқчи бўлдим. Je voudrais vous faire une surprise. Мен сизнинг сурпризингиздан хурсандман. Je suis ravi (e) de votre surprise. / Мен сизни табриклайман. – Je vous félicite.. Туғилган кунинг (из) билан ! – Bon anniversaire ! Мен сизни қутлайман – Bon et heureux anniversaire ! Мен сизга бахт тилайман. – je vous souhaite du bonheur !

Диққат/эътибор – attention f: Ne faites pas attention à cela. – Бунга эътибор берманг !

Қандоқ ? – Comment ? Қандоқсиз ? - Etes-vous bien? Қандоқ юрибсиз ? – Comment allez-vous ? Яхшимисиз ? – Comment portez-vous ? Дурустми ? – Ça va ? Тузук, яхши – Ça va, bien. Раҳмат, яхшиман. – Merci, je vai bien. Мен ўзимни ёмон ҳис қилаяпман. – Je me porte mauvais. Мен шамоллаб қолдим. – J'ai ratapé la rhume. Мен грипп билан оғриндим. – J'ai mal de grippe.

Қанча ? Неча ? – Combien / Combien de : Қанча туради ? – Combien se coute ? Бу китоб қанча туради ? – Combien se coute ce livre ? Бу беш евро туради. – Ça coute cinq euro. / Неча соатдан буён сиз бу ерда бўлдингиз ? - Depuis combien d'heure vous avez été ici ? Сиз қанча вақт бу ерда бўласиз ? Сомбиен Combien d'heure vous serez ici? Поезд билан бориш қанча вақт ? - Combien d'heure pour aller par train ?

Учрашмоқ – se rencontrer: Қачон учраша оламиз? – Quand nous pouvons nous rencontrer ?

Безовта қилмоқ / Безовта бўлмоқ – inquiéter / déranger : Pardonnez-moi pour vous déranger. Безовта қилганим учун узр ! / Безовта бўлманг – N'inquiétez pas – Мен учун

безовта бўлманг ! - N'inquietez pas pour moi!
Pas de problème – Муаммосиз !

Бермоқ (ўтказмоқ) – donner (passer) :
Pouvez-vous me passer (donner) le journal, s'il
vous plaît ? - Марҳамат қилиб, газетани
бериб юбормайсизми? (Катта) Раҳмат –
Merci (beaucoup).

Ўйламоқ – penser : Мен шундай
ўйлайман. – Je pense comme ça. Мен бундай
о'уламатман. Мен бундай ўйламайман - Je
ne pense pas comme ça. Сен қандай
ўйлайсан ? – Comment tu penses ?

Яшамоқ/истиқомат қилмоқ/турмоқ –
habiter/demeurer/loger: 1. Сиз қаерда
яшайсиз? – Où habitez-vous ? Сен қаерда
яшайсан ? - Où habites-tu ? 2. Сиз қаерда
истиқомат қиласиз ? - Où demeurez-vous ?
Сен қаерда истиқомат қиласан ? - Où
demeures-tu ? 3. Сиз қаерда турасиз ? - Où
logez-vous ? Сен қаерда турасан ? - Où
loges-tu ?

Унутмоқ – oublier : Мен унутдим. – J'ai
oublié. Мен сизни унутмадим. – Je ne vous ai
pas oublié !

Банд бўлмоқ – s'occuper / être occupé (e)
: Узр, мен жуда бандман – Par contraire, je
me suis très occupé(e).

Белгилаб қўймоқ – marquer : Мен буни
ҳозир белгилаб қўяман – Je vais marquer
cela.

Билмоқ /Англамоқ — savoir /
comprendre: Мен билмайман – je ne sais pas.
Бу нимани англатади ? Qu'est-ce que ça veut
dire ? Мен англамадим / Мен тушунмадим –
Je n'ai pas compris

Инобатга олмақ – prendre compte :
Сизнинг қарорингизни инобатга оламан. - Je
prends compte avec votre décision. Сизнинг
маслаҳатингизни инобатга оламан. - Je vais
adopter votre ordonnance. Сиз нима десангиз,
шу. - Je vais adopter votre arrêt. De quoi
pensez-vous ? - Сиз нимани назарда
тутаяпсиз? Сиз нима демоқчисиз ? – Qu'est-
ce que vous voulez dire ?

Ёқтирмоқ - préférer: Кофени ёқтирасизми
? – Préférez-vous le café. Мен кофе
ичмайман. – Je ne prends pas du café. Мен
кўк чой ичаман. – je prends du thé vert.

Бундай коммуникатив бирликларни сон-
саноқсиз равишда давом эттириш мумкин.
Шундай намуналарни маълум дарс
соатлари мобайнида ўзлаштирган ўқувчи
хоҳлаган француз билан А1 ва А2 даражада
суҳбат қура олади. Энг муҳими шуки, ўзини

француз тилида бошқа кишига тушунтира
олади.

Одам ўз онгини бошқаришга ҳаракат
қилиши мумкин, аммо мия фаолиятининг
физиологик ва ирсий хусусиятларини
назорат қила олмайди. Агар одамларнинг
онгида психологик нуқсон ёки нуқсонлар
мавжуд бўлса, унда уни тузатиш ёки
даволаш мумкин, бу вазиятда кўп нарса
одамнинг ўзига боғлиқ. Нейролингвистика
нутқ фаолияти механизмлари
жараёнларини, тил, тафаккур ва инсон
онгининг ўзаро боғлиқлигини, инсон нутқини
яратиш усулларини ўрганади. Кўзга кўринган
тилшунос олимлар Л.С.Виготский, Ф. де
Соссюр, И.А.Бодуэн де Куртенэ, Н.Хомский
ва бошқалар фикрлаш ва нутқнинг ўзаро
таъсири, инсон онгида нутқ алоқасининг
шаклланиш жараёнлари билан
шуғулланишган. Л.С.Виготскийнинг фикрига
кўра, фикр мавҳум ҳодиса эмас, балки ақлий
жиҳатдан энг мураккаб шаклларнинг
маҳсули сифатида қаралган.

Ф. де Соссюр ўзининг “Умумий
тилшунослик курси” асарида тил алоқа
воситаси, фикрларни ифода этиш ва
расмийлаштириш воситаси эканлигини
таъкидлайди. Мавжуд тилларнинг
шаклларини ўрганиш, тил белгиларини
қўллаш ички тилшунослик билан биргаликда
ташқи тилшуносликка боғлиқ. Соссюр “тил”
ва “нутқ” тушунчаларини ажратди, уларнинг
бир-бири билан ўзаро таъсирини кўрсатди.
Унингча, нутқ деганда ахборотни тил орқали
узатиш жараёни тушунилади, тил эса
тарихан ўрнатилган белгилар тизимидир [5,
77].

Н.Хомский “нутқ синтактик тузилиш
даражасида хабарни тушуниш усули,
тафаккурнинг чуқур семантик даражасида
нутқ ёзувга айлантирилишини” таъкидлайди
[6, 79]. Ҳар қандай одам ўз онгининг
фаоллашиши туфайли, ҳатто ҳар қандай
нутқ бузилишида ҳам чет тилини ўрганиши
мумкин. Овозли алоқанинг семантик ташкил
этилишини чет тилларни ўқитишнинг
замонавий методологиясида ўтказиш
усулларини ташкил қилиш тил билимларини
амалий қўллашни тақозо этади. Ушбу
дастурнинг усулларидан бири нутқни
шакллантириш учун “нафақат
талабаларнинг грамматик қоидаларни
билиши, балки уларнинг коммуникатив
кўникмаларини ривожлантиришга

ТИЛШУНОСЛИК

қаратилган тил ўйинида ҳам амалга ошади.” [2, 80]. Бунда каноник модели сўз-гапларнинг ўрни беқиёсдир.

Ўқитувчилар томонидан сўзларни ва расмларни танлаб олишдан иборат бўлган оғзаки ва оғзаки бўлмаган бирликлар бўйича тажрибалар шуни кўрсатдики, ўқувчи ўзи учун мавҳум туюлган вазифаларни бажаришдан кўра оғзаки нутқда сўзлашиш учун содда сўзлар ёрдамида масалани тезроқ ҳал қилишни уddалар экан. Илмий адабиётларда мураккаб матнлар ва рақамлар чап ярим шарда, визуал материаллар эса ўнг ярим шарда осонгина ўрнашиши ҳақида далиллар мавжуд [1, 35]. Шунинг учун коммуникатив тасвирий вазифаларда чап қўл билан ўнг қўлнинг тезроқ реакцияси солиштириб кузатилди. Каноник модели сўз-гапларнинг нутқ вазифаси фақат чап ярим шарда жойлашганлиги, шунинг учун уларнинг асимметрик табиати вазифа ва хусусиятига қараб ўзгариб туриши аниқланди.

Булардан қуйидаги хулоса келиб чиқади :

Оғзаки ва оғзаки бўлмаган (*жест, мимика, тана ҳаракати, имо-ишоралар*) коммуникатив каноник модели сўз-гаплар тил ва нутқ элементи сифатида юзага чиқиши, шунингдек, табиий тилнинг элементи анъанавий келишув бирлигига айланиши ва контекстуал маънога эга бўлиши мумкинлиги исботланди. Муайян нутқ шароитларида маъновий информация бир нарсдан иккинчисига имо-ишора билан, сўз-гаплар орқали ёки ҳар иккала белгининг комбинацияси орқали узатилади. Имо-ишоралар, тил бирликлари сингари, аксарият ҳолларда рамзий белгилар бўлиб, уларнинг комбинациялари “тана тили”нинг лексиконини нутқ актлари каби семиотик тарзда бошқаларга осон еткази олиши мумкин. Ўқитувчи ана шу имкониятларни инобатга олиши зарур.

Таъкидлаш жоизки, кўп нарсани била туриб, ўз фикрини тушунтира олмаслик, ҳеч нарсани билмаслик билан баробардир. Ўзгани тушуниб, ўзини тушунтириш чет тилини ўқитишда энг муҳим вазифага айланмоғи лозим.

Адабиётлар:

1. Айдаркин Е.К., Кундупьян О.Л., Кундупьян Ю.Л. Нейро-физиологические корреляты выполнения вербальных и невербальных нагрузок // Современные направления исследований функциональной межполушарной асимметрии и пластичности мозга. Известия Южного Федерального университета. – Ростов-на-Дону, 2010.
2. Асонова Г.А. Грамматико-коммуникативные упражнения с элементами игры как способ активизации владения РКИ // Известия Южного Федерального университета. Филологические науки. – М., 2013.
3. Выготский Л.С. *Мышление и речь*. – М., 1999.
4. Реформатский А.А. О перекодировании и трансформации коммуникативных систем // Исследование по структуре типологии. –М., 1963.
5. Соссюр Фердинанд де. Курс общей лингвистики. – М., 2004.
6. Хомский Н. Язык и мышление. – М., 1972.
7. Черниговская Т. В. Язык, мышление, мозг: основные проблемы нейролингвистики // Труды отделения историко-филологических наук РАН. Вып. 2. –М., 2004.
8. Чарлз Эджертон Осгуд и Томас Алберт Себеок. “Psycholinguistics: A survey of theory and research problems”, 1954.

(Тақризчи: Ш.Искандарова – филология фанлари доктори, профессор)

УДК: 8.07+412.3

ЎЗБЕК ТИЛИГА ФОРС-ТОЖИК ТИЛИДАН ЎЗЛАШГАН ПРЕФИКС ВА СУФФИКСЛАР ХУСУСИДА

О ПРЕФИКСАХ И СУФФИКСАХ, ЗАИМСТВОВАННЫХ УЗБЕКСКИМ ЯЗЫКОМ ИЗ ПЕРСИДСКО-ТАДЖИКСКОГО ЯЗЫКА

ON BORROWING PREFIXES AND SUFFIXES FROM PERSIAN-TAJIK LANGUAGES INTO UZBEK

З.Алимова

Аннотация

Мақолада форс-тожик тилидан ўзбек тилига ўзлашган префикс ва суффикслар хусусида сўз боради. Ўзбек тилида сўз ясалишининг семантик, фонетик, синтактик-лексик, аффиксация ҳамда композиция усуллари маъжуд. Мақоланинг мақсади форс-тожик тилидан ўзлашган аффикс ва суффиксларнинг ўзбек тили сўз ясалиши жараёнида фаол иштирок этиши ҳақидаги маълумотни ёритишдан иборат.

Аннотация

Данная статья посвящена изучению префиксов и суффиксов, заимствованных узбекским языком из персидско-таджикского языка. В словообразовании узбекского языка существуют такие способы, как семантический, фонетический, синтактико-лексический, аффиксация и композиция. Целью статьи ставится освещение данных об активном участии в процессе словообразования узбекского языка аффиксов и суффиксов, заимствованных из персидско-таджикского языка.

Annotation

This scientific article is devoted to the study of borrowing prefixes and suffixes from Persian-Tajik language into Uzbek. In wordformation of the Uzbek language, there are the following methods, as semantic, phonetic, syntactic-lexical, affixation, and composition. The purpose of the article is to give an explanation about affixes and suffixes borrowed from Persian-Tajik language, which are actively involved in the word formation of the Uzbek language.

Таянч сўз ва иборалар: форс-тожикча сўзлар, ўзбек тилининг лексик қатлами, префикс, суффикс, аффиксоид, от, сифат, феъл, равиш, сўз туркумлари.

Ключевые слова и выражения: персидско-таджикские слова, лексический слой узбекского языка, префикс, суффикс, аффиксоид, существительное, прилагательное, глагол, наречие, части речи.

Keywords and expressions: Persian-tajik words, lexic layer of Uzbek language, prefixes, suffixes, affixoid, noun, adjective, adverb.

Сўз ясалиши тилнинг икки сатҳи билан узвий алоқадордир. Сўз ясалиши жараёни морфемалар қўшиливи билан боғлиқ бўлганлиги сабабли, у морфология, тўғрироғи, морфемика билан туташади. Ясовчи морфема билан асос, морфеманинг қўшиливи натижасида эса янги лексема вужудга келади. Демак, ясама сўз сўз ясалиш ҳосиласи бўлган бирлик саналади ва бу билан лексикология материалига айланади.

Хона, нома, гоҳ каби тожикча лексемалар, ўзбек тилида мустақил ишлатилишидан ташқари, ошхона, маълумотнома, оромгоҳ каби лексемаларнинг таркибида ясовчи қисм сифатида қатнашади; бир қанча лексемаларга қўшилувчи қисм бўлиб келгани сабабли мустақил лексемалик ҳолатидан аффиксоидлик ҳолатига ўтган [1,33]. Бундай ўзлашмаларга босмахона, ётоқхона, ишхона, кўчатхона, отхона,

ошхона, оғилхона, сигирхона, сомонхона, тўйхона, қоровулхона, қўйхона, билдиришнома, бўёқхона, йўриқнома (ўзбекча), гувоҳнома, доринома, фармоннома, болохона, меҳмонхона, девонхона, дорихона, корхона, меҳмонхона, омборхона, паррандахона, гузаргоҳ, дастгоҳ, ибодатгоҳ, лашкаргоҳ, намозгоҳ, оташгоҳ (форс-тожик), зиёратгоҳ, истиқоматгоҳ, маишатгоҳ, манзилгоҳ, саждагоҳ, қадамгоҳ, қиблаггоҳ; арзнома, ваколатнома, вақфнома, зафарнома, ижозатнома, ташаккурнома, ахлатхона, давлатхона, далоилхона, даъватнома, томошахона, хазинахона, қабулхона, қироатхона (арабий) кабиларни ҳам киритиш мумкин. Адабий ва жонли тилда кўп қўлланадиган асоснома, чевархона сўзлари негадир ЎТИЛга киритилмаган. Бизнингча, ушбу лексемалар ҳам луғат бойлигимиз таркибига киритилиши мақсадга мувофиқдир.

З.Алимова – ФарДУ тилшунослик кафедраси катта ўқитувчиси.

Тадқиқотчи А.Ураловнинг таъкидлашича, -хона аффиксоиди